Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ★ 5 март 1969 йил, чоршанба ★ № 54 (14.217). ★ Баҳоси 2 тийин.

ЛЕНИНЧА МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

БУГУН БЕКОБОД МЕТАЛЛУРГИЯ ЗАВОДИДА ДАСТЛАБКИ ПЎЛАТ ЭРИТИЛГАНИГА 25 ЙИЛ ТЎЛДИ.



Бекобод металлургия заводи Ўзбекистон саноатининг фахри бўлиб қолди. Бугун корхона коллективи дастлабки металл эритилганлигининг 25 йиллигини нишонламоқда. Суратларда: 1. Узлуксиз металл қуйиш ускунасининг пешқадам ишчилари Т. Пирматов (чапдан), М. Йўлчибоев, Р. Фармонов ўртоқлар. 2. Беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун кураш мусобақасининг илғорларидан Қ. Йўлдошев, Ф. Холматов, мастер О. Мирзаев ўртоқлар.

А. Тўраев фотолари.



ДЎСТЛИК ҲАФТАЛИГИ

Қорақалпоқ совет адабиёти ва санъати. Улуғ Октябрь нуридан баҳраманд бўлиб ўсди, камол топди. Қорақалпоғистон эндилигида халқ хўжалиги ривожланган, маданияти гуллаб-яшнаётган ўлкага айланди. Кўплаб саноат корхоналари, завод, фабрикалар ишлаб турибди. Совет ҳокимияти йилларида Қорақалпоғистон улкан заводларни ишга киритди. Илгари сувсиз ётган чўлларда ҳаёт барқ уриб яшнади, даштларда колхоз ва совхоз посёлкалари, саноат корхоналари қад кўтарди, темир йўл излари ўтказилди. Пахта, шоли майдонлари кенгайди. Қишлоқ хўжалиги қудратли техника билан қуролланди. Тахиатош ГРЭСи, Мўйноқ консерва комбинати автоном республикадагина эмас, Иттифоқда ҳам машҳурдир.

Саноат, қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда фан, маданияти ҳам йил сайин юксалмоқда. Ҳозир республикада 150 фан кандидати бор. Қорақалпоғистонда Совет ҳокимияти ўрнатилганга қадар китоб нашр қилинмаган эди. Ҳозирги вақтда Автоном республикада ҳар йили 220 номдаги китоб ва гурли брошюралар жами 1 миллион 640 минг нусха нашр қилинмоқда. 20 газета ва журнал чиқарилмоқда. 400 га яқин кутубхона ишлаб турибди.

Янги совет воқелиги бу диёрнинг қиёфасинигина эмас, халқ кураши ва ҳаётини куйлаб келган традицион адабиётга ҳам янгича тус берди. Қорақалпоқ совет адабиёти ва санъати халққа, унинг олижаноб мақсадларига хизмат қилаётир.

Қорақалпоқ халқининг ўзига хос сермазмун, бой оғзаки ижоди ёзма адабиёти бор. Улар орасида ажойиб лирик мазмундаги шеърий асарларни, салмоқли ҳажмонлик достонларини учратиш мумкин. Қорақалпоқ халқ достони «Қирқ қиз» Иттифоқимиздаги кўпгина халқларнинг тилига таржима қилинди, жаҳон адабиёти хазинасидан ўрин олди. Кўпгина совет ёзувчи ва шоирларининг асарлари каби қорақалпоқ адиблари яратган энг яхши бадиий асарлар ҳам халқнинг ижтимоий ва сиёсий онгини тарбиялашда, эстетик завқини оширишда муҳим роль ўйнамоқда. Қорақалпоқ халқининг ардоқли халқ шоирлари Содиқ Нурмбетов, Жўлмирза Оймирзаев, Тилоберган Жумамуродов, Бойниёз Каипназаров, Ҳўжабек Сеитов, Ҳўжамурод Турмбетов, Ғалим Сейтназаровларнинг энг яхши қўшиқлари қорақалпоқ халқининигина эмас, ўзбек шинавандаларини ҳам тўлқинлантиради.

«Қўшиқ, — деб ёзган эди Чўқон Валихонов, — жаҳон бўйлаб кезиб юраркан, кунларнинг бирида Сирдарё томондаги қорақалпоқ йилоларида тунаш учун тўхтаб қолди. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган янги меҳмон пайдо бўлиши бир зумда чор атрофга тарқалди. Қорақалпоқнинг сон-саноқсиз қиз-йигитлари, аёл ва эркаклари бу бахтли овулга тўпланиб, неч қурундан тонгга қадар ажойиб қўшиқни тингладилар. Ниҳоят қўшиқ чарчаб, ухлаб қолди. Ёқимли овоз эгасининг минглаб ҳикоялари, қиссалари, қўшиқ ва тарихий ҳангомалари қорақалпоқларнинг қалбида абадий сақланиб қолди. Қорақалпоқлар чўллардаги биринчи шоир ва қўшиқчилар ҳисобланадилар».

Қорақалпоқ адибларининг асарлари, шеърий китобларини халқимиз севиб ўқийди. Қорақалпоқ санъаткори ижро этган қўшиқларни тинглаб завқ олади. Эндиликда Аму тўлқинларидек жўшқин қорақалпоқ рақслари Орол балиқчиларини, Уст-юрт ишчиларининигина қувонтириб қолмай, ўзбек санъат шинавандаларини ҳам қувонтираётир. Қорақалпоқ совет адабиётининг кўпгина етук асарларини ўзбек китобхонлари меҳр билан китоб жовонларида сақлайдилар. Ҳожиниёз шоир, Бердақ, Жиян Жирров, Қулмурод каби қорақалпоқ классикларини, Ж. Оймирзаев, А. Утепов, Н. Жапақов, А. Шомуродов, И. Юсупов каби совет шоирларининг ижодини яхши биладилар.

Ўзбек ва қорақалпоқ халқлари ўртасидаги биродарлик кўп асрлардан бери давом этиб келмоқда. Бу дўстлик совет ҳокимияти йилларида янада мустаҳкамланди. Қорақалпоқ ва ўзбек халқларининг тарихи бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлганидай, бу икки қон-қардош халқнинг адабиёти ўртасида ўзаро алоқа ва таъсир ҳам узоқ тарихга эга.

Қорақалпоғистонда театр санъатини ривожлантиришда атоқли ўзбек ёзувчиси ва драматурги Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ёрдами жуда каттадир. 1922 йилда унинг раҳбарлигида Хўжайли шаҳрида драма тўгараги ташкил этилди. Шундан сўнг Қорақалпоғистонда театр санъатига қизиқиш янада кучайди. Тошкентда 1957 ва 1963 йилларда бўлиб ўтган Қорақалпоғистон адабиёти ва санъати декадалари Қорақалпоқ адабиёти, санъати ва театр санъати тараққиётига катта кўрик бўлди. Қорақалпоқ дўстларимиз ўзларининг ёқимли куй, қўшиқлари, саҳна асарлари билан ўзбек томошабинларининг ҳурматини қозондилар. Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадаларининг Москвада, Украинада, Белоруссияда, Қозоғистонда, Тожикистонда, Туркманистонда ва бошқа иттифоқдош республикаларда бўлиб ўтган кўрикларида Қорақалпоғистон адабиёти ва санъати ходимлари ҳам иштирок этдилар, муваффақият қозондилар.

Ўтган куни — 3 мартда баҳор нафаси уфуриб турган пойтахтимиз Тошкентда қондош, қаламдош диёр — Қорақалпоғистоннинг адабиёти ва санъати ҳафталигини тантанали равишда бошланди. Бу шодиёна, ҳувончли дақиқалар республикамиз бўйлаб бир ҳафта давомида кезиб юради. Радио тўлқинлари, телевизор экранларида Аму ҳўшиқлари янграйди. «Қирқ қиз»ларнинг дутори жаранглаб, рақслари жавлон уради.

Биз ажойиб сафар ва муваффақиятларга эришиб, кундан-кунга яшнаб, кўркамлашиб бораётган азамат қорақалпоқ диёрининг вакилларига қўлимизни кўксимизга қўйиб, ХУШ КЕЛИБСИЗ, қўшиқларингиз баравж янграйверсин, дейимиз.

ҚАРДОШЛИК БАЙРАМИ



ҚАДИМИЙ ДИЁР ЖИЛВАЛАРИ

Выставкага келган томошабинлар шамолда сочи ёзилиб, тўлқинланиб турган, дарахт илдизидан тайёрланган қизнинг бошини — «Амударё» скульптурасини Аму ва Орол соҳилларида яшаниб ётган Қорақалпоқ диёрининг ўзига хос гўзаллик рамзи деб билмоқдалар. Бу асарнинг автори ёш ҳайкалтарош Ж. Қуттимуратов.—Октябрдан кейин вужудга келган санъатнинг—ҳозирги замон Қорақалпоғистон санъатининг намояндаларидан биридир.

4 март куни Ўзбекистон санъат музейида очилган Қорақалпоғистон бадиий выставкасида рассомлик, графика, ҳайкалтарошлик асарлари, амалий санъат усталарининг асарлари намойиш қилинмоқда. А. Еримбетов, А. Гробко, Х. Матқаримовнинг асарлари кишилар эътиборини ўзига жалб қилмоқда. Қорақалпоғистоннинг бугуни санъати аслида қаердан бошланганлигини кўрсатадиган залда ўтовлар учун безак бўладиган ранг-баранг гиламчалар, музика асбоблари, керамика, халқ усталарининг ижоди бўлган кийим-кечаклар қўйилганки, булар тўқилган афсоналар бизнинг кунларимизда жонланиб кетганлигини тасдиқлайди. Чеварлик билан тўқилган кашталарга, уларнинг нафосатига қарар экансан, гўё ҳозир чодир очилади-ю, у ердан нафис гуллар солинган тўй либосидаги келинчак чиқиб келаётганга ўхшайди...

Халқ санъатининг бу қадар бой коллекциясини жамлаш учун нақадар битмас-туганмас чидамга, нақадар улкан меҳр-муҳаббатга эга бўлиш керак. Худди шунинг учун ҳам ана шу нарсаларни кўп йиллар мобайнида тўплаб келган Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби И. В. Савицкий жамланган нарсаларининг ҳар бири тўғрисида достон айтиб бериши мумкин.

Выставкани очиш маросимида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов, Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. К. Камолов, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг Раиси Д. Ешимбетов, Автоном республика Министрлар Советининг Раиси Е. Айтмуратов, Қорақалпоғистон область партия комитетининг секретарлари Б. А. Новицкий, К. Р. Ризаев, Автоном республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. Ғ. Ғоипова қатнашдилар. (ЎзТАГ).

Икки шеър

Ҳўжабек СЕИТОВ

ҚАЙРАҒОЧ

Чуқур илдиз отиб, болалаб
кетган,
Минг баҳорни кўриб, осмонга
етган,
Улкан қайрағочни дедилар
мақтаб:
— Сенинг катта бобонг шу ерга
экқан.

Ушбу қайрағочда сир бордай
мудом:
Одам аримайди кундуз ва
оқшом.
Соя берсин дея неча асрлар,
Узидан ёдгорлик қолдирган
бобом.

Мен ҳам ўчмас белги қолдирсам
дейман.
Шеърга одам меҳрин
қондирсам дейман.
Сўзлар маржонини ғишт каби
қалаб,
Бир буюк минора солдирсам
дейман.

БАЛИҚЧИ ҚИЗ

Оролда бир қундуз кўрдим,
Қундуз эмас юлдуз кўрдим.
Ут юракли бу гўзални
Тунда эмас кундуз кўрдим.
Ойни десам кунга ўхшар,
Чарос кўзи тунга ўхшар.

Балиқ овлаш дарди экан,
Қизлар ичра марди экан.
Тонна-тонна балиқ овлаш —
Унинг кўнлик шарти экан.
Уз касбига омил экан,
Ҳам ишончи номил экан.

Шу денгизда туғилган у,
Шодлик дўсти, ётдир қайғу,
Суҳбат қуриб қолсанг агар
Юрагингга солар ғулу.
Балиқчи қиз дилдор экан,
Кўп йигитлар ҳушидан экан.

Мавлон ИКРОМ таржимаси.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА СЎҲБАТ

Қорақалпоғистон адабиёти ва санъати ҳафталигининг қатнашчилари 4 март куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида қабул қилинди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов Автоном республика меҳнаткашларининг намояндаларини самимий табриклади. Суҳбат вақтида у Қорақалпоғистон социалистик маданиятининг катта байрами муваффақиятли бошланганлиги билан меҳмонларни муборакбод қилди, уларга янгидан-янги ижодий муваффақиятлар тилади.

Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. К. Камолов ва СССР халқ артисти О. Шомуротова ҳафталик қатнашчилари номидан гапириб, Қорақалпоғистоннинг адабиёт ва санъат арбоблари Тошкентда ҳурсандчилик билан қардошларча кутиб олинганлиги учун сидқидилдан миннатдорчилик билдирдилар.

Суҳбатда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари И. Г. Анисимкин, Р. Н. Нишонов, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг Раиси Д. Ешимбетов, Автоном республика Министрлар Советининг Раиси Е. Айтмуратов қатнашдилар. (ЎзТАГ).

БИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

Сўз — қорақалпоқ адабиёти ва санъати ҳафталигининг қатнашчиларига

ТАШАККУР

Қ. АИМБЕТОВ
физиология фанлари доктори, ҚҚАССРда хизмат кўрсатган фан арбоби.



Қорақалпоқ халқи ўз курашини қўшиқда ифодалади, қўбузда сўзлади. Ўз бахтини, тақдирини излаб, сув ҳидирган халқ Амударёнинг қуйи оқимида муқим ватан топди.

Кўча-кўча кўчда армон
қолмади.—
Беллай бериб белда дармон
қолмади, —

деб бўзлаган халқ бугун ўз бахтини, ленинча Коммунистик партия, рус, ўзбек, хуллас қардош халқларнинг ёрдамида топган саодати, нелажагини куйламоқда.

Сиз бугун ҳафталик қатнашчиларидан қорақалпоқ қўшиқларини эшитар экансиз Оролнинг азамат балиқчилари, Устюртнинг оловкорлари, Амударёнинг заршуносларини кўз олдингизга келтирасиз. Илм заҳматкашлари ҳам халқнинг тараққиётидан орқада қолмаслик учун интилмоқдалар.

Қадрдон ўзбек халқи ўз инисн қорақалпоққа ҳар томонлама, хусусан унинг илм, фан-техникасининг ривожида ҳам катта хизмат кўрсатди. Биз бу бегараз ёрдам учун қўлимизни кўксимизга қўйиб дил-дилдан ташаккур деймиз, холос.

МАҲОРАТ МАКТАБИ

Т. СЕИТЖОНОВ.
шоир, драматург.



Бу ҳафталик шаклан миллий мазмунан социалистик қорақалпоқ адабиётининг социалистик реализм принципларидан оғишмай ривожланаётганини, Иттифоқ миқёсига чиқаётганини кўрсатувчи катта имтиҳон бўлиш билан бирга маҳорат мактаби ҳам бўлади.

Негаки, биз қорақалпоқ ёзувчиларн қорақалпоқ классик адабиётн мактабидан, рус совет адабиётн мактабидан, ўзбек адабиётн мактабидан сабоқ олганмиз.

Биз Ҳамза, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Зулфия, Шароф Рашидов каби сўз санъаткорларининг асарларини ўқиб, қўлимизга қалам олганмиз.

Бу ҳафталикда мен ҳам ўз шеър ва драмаларимнинг ҳаққоний баҳосини оламан. Бу учрашув қорақалпоқ ёзувчилари қатори мен учун ҳам катта ижодий маҳорат мактаби бўлади. Бу ҳафталик адабиётимиз ва санъатимизнинг парвози учун самарали таъсир этади. Дўстлигимиз, адабий алоқаларимиз дарёдай тўлқинлансин. Туғишганлар, улкан иззатларингиз учун раҳмат.

ЧОРВАДОРЛАР РАПОРТИ

ТЕРМИЗ. («Совет Узбекистони» мухбири). Маҳаллий Советларга бўладиган сайловлар кунини ва В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб нишонлаш учун социалистик мусобақани авж олдирнб юборган Сурхондарё областининг чорвадорлари давлатга гўшт сотиш биринчи квартал планини оширнб бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Улар пландаги 650 тонна ўрнига 800 тонна гўшт сотдилар.

НУЕШЛИ днёримиз пойтахти Тошкентда қардош Қорақалпоқ адабиёти ва санъати ҳафталиги муваффақият билан бошланди. Суратларда: (чапдан) Совет Иттифоқи халқ артистнаси Ойимхон Шомуратова қорақалпоқ халқ қўшиғини ижро этмоқда. «Қирқ қиз» дуторчилар ансамбли ўзбек халқ куйи «Роҳат»ни маҳоқ билан чалишмоқда. Узбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган артистка Орзигул Отамуротова қорақалпоқ халқ қўшиғи «Дем бермес»ни завқ билан айтмоқда.

А. Абалян фотолари.



САНОАТИМИЗ КЎРКИ



Металлурглар даврасида бараканли меҳнати билан довруғ тараттаётган кишилар кўпайиб бормоқда. Суратда: машҳур металлург, СССР Олий Советининг депутати Шералн Ҳамроқулов (ўнгда) ва 3- цех нашчиси Ҳусаин Усмонов ўртоқлар.

А. Тўраев фотоси.

ЙИГИТ ЁШИ

Бугун — металлургларимиз учун натта байрам. Ўрта Осиё қора металлургия саноатининг тўнғиқ корхонаси дастлабки маҳсулот ишлаб чиқара бошлаганига чорак аср тўлди. Ўзбекистон металлургия саноатига пойдевор бўлиб қолган Бекобод металлургия заводи коллективи оғир саноатни ривожлантиришга дастлабки кунлар, данок ўз муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Бекобод металлургия заводи СССР Халқ Комиссарлари Советининг 1942 йил 27 июндаги қарорига биноан қурила бошланди. Корхонани тиклашнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, завод қийин йилларда — Улуғ Ватан урушн давом этиб турган даврда барпо қилинди. Лойиҳа топшириқларида Ўрта Осиёда тўпланадиган металл парчаларини қайта ишлаш кўзда тутилган эди. Ана шу металл парчаларини қайта ишлаш йўли билан маҳаллий саноат ва қурилишнинг прокат ҳамда тунукага бўлган эҳтиёжини қондириш мўлжалланган эди.

Завод лойиҳасига мувофиқ 3 та мартен печи ри цехи, ҳар хил сортли прокат ва тунука тайёрловчи прокат цехи, асосий ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондиришга имкон берадиган ремонт, энергетика ва транспорт хўжаликлари қурилиши лозим эди. Ишлаб чиқариш қувватлари бирин-кетин фойдаланишга топширилар эди.

1944 йилнинг 5 март куни корхонамиз меҳнаткашлари учун ажойиб бир тарихий кун бўлиб қолди. Худди шу куни мартен печида дастлабки металл эритилди. 1946 йилнинг октябрида «300» стани ишга туширилди. 1949 йили тунука тайёрлаш стани фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон учун янги бўлган саноатнинг металлургия тармоғи кадрларини тайёрлашда рус халқининг оғаларча ёрдами катта бўлганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ керак. Корхонани ўрганлаган, бу ерда дастлабки маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйган инженер-техниклар Урал металлургия заводида таълим олган мутахассислар эди. Маҳаллий кадрлар Урал заводларида металлургиянинг касбини ўрганиб келдилар. Шу йўл билан корхонанинг қудрати орта борди. 1952 йилга келиб завод лойиҳадаги қувватга эришди.

Ҳозирги кунда заводимиз давлат планларини муваффақиятли бажармоқда. Ишлаб чиқариш қувватлари йилдан йилга ортмоқда. Корхонамиз фойда кўриб ишлаётганлиги завод иқтисодий-техника кўрсаткичларининг нўзгуси деб айтиш мумкин. Завод коллективи ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш тадбирларини тинмай амалга ошириб келмоқда. Корхона ходимларининг ташаббуси билан меҳнат унумдорлигини ошириш ва иш жараёнларини такомиллаштиришга имкон берадиган муҳим тадбирлар амалга оширилди. Прокат цехида асосий ишлар механизмлар зиммасига юкланган. Махсус аппаратлардан қўлланилганлиги натижасида асосий технология узнкуналарини модернизациялашга муваффақ бўлинди. Бу тадбирларнинг ҳаммаси меҳнат унумдорлигини 50 процент оширишга ёрдам берди.

1961 йили корхона Бухоро табиий газидан баҳраманд бўла бошлади. Табиий газдан фойдаланиш жуда катта афзалликларга эга эканлиги тезда маълум бўлиб қолди. Табиий газ мазутга қараганда ҳар жиҳатдан яхши ва барча агрегатларда санитария-гигиена шароитларининг мукаммал бўлишини таъминлайди. Табиий газдан фойдаланиш меҳнат шароитларини яхшилабгина қолмасдан, ҳар йили 1 миллион сўмдан кўпроқ иқтисодий фойда ҳам келтирмоқда.

1962 йили пўлатни узлуксиз қуйиш ускунаси ишга туширилди. Янги техниканинг ана шу намунаси кўпгина хорижий мамлакатлар мутахассисларида ҳам катта таассурот қолдирялти.

Завод коллективидаги ҳар бир кишм бир-бирига дўст ва биродар, ҳамкор ва ҳамфикр. Бу ерда 39 миллат вакиллари қўлни-қўлга бериб ога-инидек аҳил меҳнат қилишмоқда. Маҳаллий кадрлардан кўплаб мутахассислар етишиб чиқяпти. Илгари металлургия саноати бўлмаганлиги учун Ўзбекистонда металлургнк касби ҳам йўқ эди. Ҳозир асосий участкаларда кўплаб истеъдодли ўзбеклар меҳнат қилмоқда. Кўпгина кишилар ҳалол ва баракали меҳнатлари учун муносиб тақдирланишган. Заводимиз коллективида уч Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бор. Уларнинг номи ҳаммамизга таниш: Ҳафиз Ғаниев, Саид Нуриддинов, Асад Эргашев ўртоқлар — металлургнк касбини ҳамиша эъзозлаб келаётган, кўксида Ленин ордени ҳамда «Уроқ ва Болға» олтин медали порлаб турган қаҳрамонларимиз. Шералн Ҳамроқулов — СССР Олий Советининг депутати, Қурбонали Тошматов — Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати. Заводда Москва ва Ленинград олий ўқув юртларида таҳсил кўрган инженер кадрлар ишламоқда. Бўлим бошлиғи Н. Иногамов, мартен цехининг собиқ бошлиғи Р. Юсупов, прокат цехининг смена бошлиғи И. Йўлдошев ва бошқа ўртоқлар шулар жумласидандир.

Ҳозирги вақтда Москвадаги пўлат ва қуймалар институтида заводнинг кўпгина ёшлари ўқимоқда. Республикамиздаги олий ўқув юртларида нлм олаётган ёшлар ҳам анчагина. Бекобод шаҳридаги техникумларнинг ўзида 128 нашчи таълим олмоқда, 23 нашчи Тошкент, Ленинобод ва бошқа шаҳарлардаги институтларнинг сиртқи ҳамда нундузги бўлимларида ўқиляпти.

Бекободда металлургларнинг ўзига хос гавжум посёлкаси вужудга келган. Бу посёлка обод ва нўркам даргоҳга айлантирилган. Ишчи ва ходимларимизнинг маданий дам олиши учун маданият сарайи, қишки ҳамда ёзги кинотеатрлар, боғ мавжуд. Металлургларнинг болалари уч умумий таълим мактабида, бир музика мактабида таълим олмоқда. Кичкинтойлар учун болалар боғчалари, яслилари қурилган. Посёлкада индустриал техникум ва профессионал-техника билим юрти бор. Квартираллар газлаштирилган, кўчалар асфальтланган. Барча онлалар учун коммунал қулайликлар яратиб берилган.

Йиллар ўтиши билан заводда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳам муттасил кўпайиб боряпти. Агар 1944 йили корхонада 10800 тонна пўлат эритилган бўлса, ўтган йили эритилган пўлат унга нисбатан бир неча 10 минг тонна кўпайди.

Заводимиз нашчилари ва инженер-техник ходимлари улуғ доҳий В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги шарафига мусобақани авж олдириб, бу йил учун катта мажбуриятлар қабул қилганлар. 1969 йилда пландан ташқари 3 минг тонна пўлат ва 4800 тонна прокат ишлаб чиқарилади. Социалистик мусобақада голибликни эгаллаганлиги учун корхонамиз металлургнари бир неча бор нўчма Қизил байроқлар ва пул мукофотлари олишга муваффақ бўлди. Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги шарафига бошланган мусобақа якунида завод коллективи КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг Эсдалик байроғини абадий сақлаш учун қўлга киритди.

Корхонамиз йигит ёшига тўлмоқда. Унинг истиқболи яна ҳам порлоқ. Заводни реконструкция қилиш тадбирлари кўрилляпти. 1975 йилга бориб корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш бир неча баравар кўпаяди. Бунинг учун қудратли пўлат эритиш печлари барпо қилинади, Улкан прокат стани ҳам тикланади. Металл эритиш ва прокатлаш жараёнларини механизациялаш ҳамда автоматлаштириш давом эттирилади. Бора-бора Бекобод заводи мамлакатимиздаги техниканий жиҳатдан мукаммал корхоналардан бири бўлиб қолади.

Металлурглар ўз юбилейлари шарафига мусобақани авж олдириб, икки ойлик планни муваффақиятли адо этдилар. Металлурглар даврасида ленинча меҳнат вахтаси давом этяпти.

И. МУҲАММЕДОВ,
Бекобод металлургия заводининг директори.

● Дастлабки металл эритилганлигининг 25 йиллиги
● *«Зангори аланга» шарофати*
● Ёркин истиқбол мадҳини куйловчи рақамлар
● Кекса металлурглар ҳикоя қилади
● *Шу куннинг марди майдонлари*
● Бинокор ғурури

МЕТАЛЛ ОШИҚЛАРИМИЗ

Биз, металл ошиқларимиз, Кунимиз ҳам, тунимиз ҳам ана шу «қора олтин» билан боғланган. Дастурхон устидаги суҳбатимиз-у, фикр-зикримизда шу металл.

Ўзбек металлининг 25 йиллик юбилейи нишонланаётган шу кунларда қувончимиз ичимизга сиғмаяпти. Босиб ўтган шонли йўлимиз билан фахрлансак арзийди.

Заводни назаримиздан ўтказсак икки асосий — мартен ва прокат цехлари кўзга ташланади. Ишнинг асоси йўқ деймиз-у, бироқ, ўт билан олишувнинг ўзи бўлмайди. Ҳар иккала цех ишчилари ҳам ўт билан олишиб меҳнат қилишади. Бизда баракали ва бехатар ишлашнинг гарови хушёрлик, тадбиркорлик, чаққонлик ва ншбилармонликдир.

Мен прокат цехининг «300» станида 21 йилдан бери смена мастери бўлиб ишлаб келяпман. Илгари стан қўл кучида ҳаракатга келтирилган. Бир сменада зўрға 20-30 тонна металл тайёрланган, холос. Ҳозир бу иш автоматлаштирилган бўлиб, 7-8 соат ичида 200-250 тоннагача маҳсулот чиқара олади.

Прокат цехи коллективи ўтган йили пландан ташқари бир неча минг тонна прокат ишлаб чиқарди. Биргина бизнинг бригада коллективи 251 тонна металл иқтисод қилди. Пайвандчи Т. Абдуллаев, валцовкачи Т. Увайтов, В. Лазовский, Р. Бикиров, оператор М. Рилова, А. Ряснова каби сергайрат ишчилар ўз зиммаларига олган топшириқларни муттасил 140-150 процент бажаришаётир. Уларнинг ҳар бири бир неча рационализаторлик таклифларининг авторларидир.

Бригадамиз ишчилари корхонамиз биринчи бўлиб ленинча беш йиллик илғор коллективи номини олиш учун бригадалараро кураш мусобақасини бошлаб берди. Ҳозир ўндан ортиқ бригада коллективлари шу мусобақага қўшилиб меҳнат қилишяпти. Биз беш йиллик планни 1970 йил 5 декабрига муддатидан илгари уддалаш, доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бир неча минг тонна прокат етказиб беришга аҳд қилганмиз.

Саид НУРИДДИНОВ,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, «300» стани смена мастери.

Сўз — завод ветераналарига

ЎЧМАС ИЗ

Бунга 25 йил бўлди. Бодомлар эндигина гуллаётган пайт эди. Ҳаммаёқда баҳор нафаси кезади. 5 мартга ўтар кечаси кўзимга уйқу илинмади. Қувончимнинг чеки йўқ эди. Чунки, эрта биринчи ўзбек пўлати эритиладиган кун...

Ниҳоят орзиқиб кутилган дақиқалар яқинланди. Ўша куни шундай серфайз тонг отдики, ёзувчи бўлмаганим учун тасвирлашга ожизман. Барча пўлат эритиш цехига йиғилди. Республика раҳбарлари ҳам келишди. Шу кунл биринчи мартен печида Ўзбекистон металлургия заводининг ёш коллективи мураккаб ва қийин шароитда дастлабки пўлат тонналарини эритди. Печ олдида қалдиргоч ўзбек пўлат эритувчилари Ҳафиз Ғаниев, Анвар Тошпўлатовлардан тортиб қардош республика саноат корхоналаридан ёрдамга келган Алексей Григорьевич Штиров, Егор Тимофеевич Лукьянчиков, Сергей Николаевич Тимонин, Пётр Александрович Жиляев каби тажрибали пўлат эритувчиларгача биринчи вахтада туриб ишлашди. Ўша куни ҳаяжонли меҳнат бир умр қалбимда ўчмас из қолдирди.

Ўша кезда кўпчилик ишлар қўлда бажариларди. Эритмалар қўл кучида вагончаларга юкланар, тушириларди, печларга 40-50 килограммлаб темир-терсак ортиларди. 14-16 соатда пўлат эритиб олишга муваффақ бўлинарди.

Бу воқеага бугун чорак аср бўляпти. Илк вахтада туриб тер тўккан қалдиргоч металлургларнинг анчагинаси ҳозир орамизда йўқ. Бир нечаси пенсияга чиқишган. Бизнинг ўринимизни қалби қайноқ ёшларимиз эгаллаб шижоат билан меҳнат қилишаётганидан хурсандман.

М. ШЕЛОВАНОВ,
мартен печининг собиқ катта мастери, пенсионер.

ФАХРЛАНАМАН

1943 йилда биз, ўзбек ёшларидан бир гуруҳини Урал корхоналарига ўқишга юборишди. Мен ҳам улар сафида эдим. 8 соат заводда ишлаб, 4 соат назарий машғулот ўтказардик. Бу жуда оғир эди. Бир томонда фашистларга қарши аёвсиз жанг олиб борилаётган дамлар... Баҳорни Бекободда кутиб олдим. Мартен печи қурилишига ёрдамлашдим. Бир неча кундан кейин унутилмас воқеа рўй берди; 1944 йилнинг 5 март куни ҳаво очиқ, илиқ келди. Шу куни биринчи ўзбек пўлати эритилди. Мен мартен печига темир-терсак етказиб бериб турдим. Ўша куни қизғин меҳнат, пешаналаримиздан тўкилган халқа-ҳалқа тер сира эсимдан чиқмайди. Ўзбек металлургияси туғилган кунда озми-кўпми ўз улушим билан қатнашганлигимдан фахрланаман.

Ўн йил печларни металл билан таъминловчи бўлиб ишладим. Сўнг гишт теручиликни ўрганиб, печлар ремонти билан шуғуллана бошладим. Ҳозир бригадирман. Заводимиз бекиёс юксалиб бораётганлиги кўпчилик қатори менга ҳам қувонч бахш этади.

Н. КАРИМОВ,
кекса ишчи.



Тошкент кабель заводининг ишчиси Харис Сафиулин ҳам ленинча меҳнат вахтасида фаол қатнашмоқда. У нуқул юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқармоқда ва смена топшириқларини 125 процент адо этяпти. Суратда: Х. Сафиулин иш устида.

И. Глуберзон фотоси.

ЗАВОД БУНЕДКОРЛАРИ СЎЗЛАЙДИЛАР

КЕЧАГИДАЙ ЭСИМДА

Республикамизда кўпчилик бинокорлар қатори мени ҳам Бекобод металлургия қурилишига таклиф этишди. Бордим. Бекободнинг кун чиқарида ястаниб ётган қирликлар томон йўл олдик. Қутуриб эсган шамол юз-кўзимизга тупроқ қуюнини келтириб уради. Гирдибод кўтарилиб кўк юзини тутади. Дов-дарахтдан асар йўқ. Аёзли шабада қиличини ялонғочлаб ҳамла қилади. Шундай бир шароитда завод пойдеворини қуришга киришдик. Иш қуролларимиз кирка, белкурак, кетмон... Ҳозирдагидек экскаватор, бульдозер, грейдерлар қаёқда дейсиз. Туплари зах ерости уйларида хордиқ чиқарардик.

Мен гишт терувчилар бригадасининг бошлиғи эдим. Бригадамда ўттиздан ортиқ турли миллат фарзандлари ишлашарди. Биз мартен цехини тиклашга киришдик. Стахановчилик ҳаракатига қўшилиб ишлардик. Комиссия соатга қараб турарди, 50 минут иш 10 минут дам...

...Мартен печини қураётган кунларнинг бирида Усмон ака Юсупов ва завод қурилиш бошқармасининг бошлиғи Шамет Айтметовлар келиб қолишди.

— Ишлар қалай, ўртоқ Маҳмудов? — деди Усмон ака эгилиб печнинг ичқи томонларини кўздан кечираркан. — Қийналмаяпсизларми?

— Фронтда уруш боряпти. Биз фронт орқасидаги кишилармиз. Заводимизни тезроқ биргирсак, душманларимизга берган зарбамиз шу бўлади-да, Усмон ака! — дедим. У кишининг юзларига табассум югурди:

— Хўш, ўзингиз қанча гишт теряпсиз?

— Кеча 5 соатда 6 минг терди, — жавоб берди Шамет ака. — Бугун ундан ҳам оширса керак.

— Баракалло! — деди Усмон ака қўлини кифтимга қўйиб. — Стахановга етай дебсиз-ку, омадингизни берсин, Мерган!

Ўша куни 8 соатда ўн минг гишт тердим, Кечқурун мажлис бўлди. Кўпчилик илғорлар қатори менга ҳам шим, фуфайка, этик совға қилишди...

Мен 1951 йилгача заводда ишлаб қолган корпусларни ҳам қуришда қатнашдим. Бу ишларнинг ўзи осонликча бўлган эмас, уларни бир-бир нпга чизиб гапирсам кўп вақт керак. Улар ҳали кечагидай эсимда турибди...

М. МАҲМУДОВ,
Ленин орденли бинокор, пенсионер.

БИР МАРДЛИК ТАРИХИ

Ҳаммамиз нафасимизни ичимизга ютиб биринчи ўзбек пўлатининг «пиширб» етилишини орзиқиб кутаётган дамлар эди. Бир ишкал чиқиб қолмасайди, деб юрагимизни ҳовучлаб турардик. Буни қарангки, кўнгилсиз бир воқеа рўй бериб қолди. Ана, пўлат эритма тайёр бўлади, деб турганимизда паровоз ўтхонасининг пробкаси эриб кетса бўладими. У кезларда мазут печларга паровоздан чиқаётган буғ билан сочиларди. Шу тантанали кунда, биринчи пўлат эритаётганда пробканинг куйиб колганини қаранг!? Бир йўли топилмаса, металл совиб қолиши мумкин эди. Унда металл заводидаги тўй... нима бўлади?

Паровозга ўт қаловчи Иван Васильевич Карагодин ўшанда унутилмас бир иш қилди. У қалин пахталик коржома кийиб, паровоз ўтхонасига кирган, янги пробка қўйган эди.

Шу тариқа металл заводида биринчи пўлат эритиш — корхона тўйи тўйдек бўлди. Буғ босими кўтарилаверди. Форсункалар гувиллаб тураверди.

Шундай қилиб, биринчи пўлат вақтида эритиб олинди. Ўша байрам кунида мардлик кўрсатган Иван Васильевични бугун ҳурмат билан ёдга оламиз. Иван Васильевич ҳозир ҳам заводимизда ҳормай-толмай ишламоқда.

В. КОТЛЯР,
корхонанинг бош энергетиги.

УНВОН МУБОРАК!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Р. С. ГАФТГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ГЕОЛОГ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика геология хизмати системасида кўп йиллик самарали ишн ва қимматли фойдали қазилма йирик конларини топишда актив қатнашганлиги учун СССР Геология министрлиги Красноholмск экспедицияси бош инженери Рувим Саулович **Гафтга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган геолог» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Е. НАСРИДДИНОВА.**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари **Р. САХИБОЕВ.**

1969 йил 4 март.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ф. И. РУБЛЕВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН БИНОКОР» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республикада қурилиш ишларини ривожлантириш соҳасидаги хизматлари учун Олмалиқдаги норуда материаллар карьерининг директори Фёдор Иванович **Рублевга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Е. НАСРИДДИНОВА.**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари **Р. САХИБОЕВ.**

1969 йил, 4 март.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

В. Ф. ТЕМЕРТЕГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН БИНОКОР» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР пойтахти Тошкент шаҳрини тиклаш ва қуришда актив қатнашганлиги ҳамда қурилишларда кўп йиллик самарали меҳнати учун «Глазташкентстрой» «Жилстрой» трестининг бошқарувчиси Владимир Федорович **Темертега** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Е. НАСРИДДИНОВА.**


Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари **Р. САХИБОЕВ.**

1969 йил 4 март.
Тошкент шаҳри.



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН Автоном Республикасининг Амударё райони пахтакорлари мўл ҳосил йўлида тинмай меҳнат қилмоқдалар. Юқоридаги суратда Крупская номли колхознинг уста сувчиси Иброҳим Жуманиёзовни кўриб турибсиз. У белгиланган топшириқни ҳамиша ошириб бажаради. Пастдаги суратда эса, Мангитдаги механизация мактабида таълим олаётган хотин-қиз механизаторлардан Қурбонгул Собирова, Қизларсулув Белтабоева ва Хушрўй Юсупова ўртоқлар тасвирланган.

Р. Сандов фотолари.



16 март—маҳаллий Советларга сайловлар куни

ҚИШЛОҚ ШИФОКОРИ

ХАЛҚ НОМЗОДЛАРИ

Янгиқўрғон районидаги «Шарқ юлдузи» колхози касалхонасининг доғси Убайдахон Абдуллаева билан суҳбатлашиб ўтирибмиз. У доя, инсонни биринчи бор ҳаётга йўргаклаб узатадиган меҳрибон киши.

Убайдахон ўзининг мурувват, меҳрибонлиги билан ҳаётимизга гўзаллик ато этувчи, оилалар қувончига қувонч қўшувчи олижаноб касб эгаси. У Наманган медицина билим юртини тамомлаб, она қишлоғига ишга келди. Доянинг меҳрибонлиги туфайли юзлаб гўдакларнинг, оналарнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Утган ўн йилдан ортиқ вақт ичида колхозда доянинг саҳоватидан баҳраманд бўлмаган оила, унинг қадами етмаган хонадон қолмади, десак янглишмаймиз. Кейинги йилларда Убайдахон ишлаётган касалхона ҳам тубдан ўзгарди. Ҳозирги замон жиҳозлари билан таъминланди. Малакали мутахассислар келди. Меҳрибон доянинг меҳнати муносиб тақдирланди. Убайдахон Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг Фахрий ёрлиғини олишга муяссар бўлди. Бир неча марта қишлоқ ва район Советларига депутатликка сайланди. Маҳаллий Советларга ўтказилаётган бу йилги сайловларда колхоз меҳнаткашлари, шифокорлар тинмай-тинчимас дояга яна катта ишонч билдиришди. 160-Таълим сайлов округидан Наманган область Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинди.

Халқимизда меҳнат кишини улуғлайди, деган нақл бор. Убайдахоннинг ҳалол меҳнати ҳам унинг обрўсини, унга бўлган эл ишончини оширяпти.

А. МАДУМАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

БИЗНИНГ ҚАҲРАМОН

Биз уни ҳурмат қилиб «Тўравой» деб атаймиз. Бирга ўсдик, бирга ишлашиб келяпмиз. Колхозчи эди, 1957 йилда бригадирликка кўтарилди. Биринчи йили унинг бригадаси гектаридан салкам 17 центнердан пахта етиштирди.

Бора-бора у, уста деҳқон, моҳир ташкилотчи бўлиб қолди. Унинг бригадаси агротехника фанига, илғор тажрибаларга таяниб, ҳосилдорликни йилдан-йилга ошира борди. Бригада аъзолари меҳнаткаш ва ҳаммадарга етакчилигида ҳалол меҳнат қилиб, 1965 йилда рекорд ҳосил — гектаридан 60 центнердан ортиқ «оқ олтин» йиғиб олдилар. Кейинги уч йил мобайнида сурункасига мўл ҳосил етиштирилиб, 60 центнерли марра мустаҳкамланди.

Пахтадан юқори ҳосил етиштиришда эришилган катта муваффақият учун бригада бошлиғи Тўра Раҳимов юксак шарафга — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. Қаҳрамон бошлиқ бригада пахтачиликни комплекс механизациялашда байроқдор бўлиб, муттасил юқори ҳосил етиштириш билан бирга, пахтанинг таннархини кескин камайтиришга эришди. Колхоз гектаридан 45 центнердан пахта ҳосили олиб, машъал хўжалик сифатида довруғ қозонишида оташқалб пахтакор Тўра Раҳимовнинг тажрибаси ва ташаббуси катта роль ўйнади. Биз ўз қаҳрамонимиз, устоз деҳқонимиз билан фахрланадиган бўлиб қолдик. У шундай фахрга арзигулик.

Колхоз коммунистлари кейинги ҳисобот-сайлов йиғилишида Тўра Раҳимовни бошланғич партия ташкилотининг секретари қилиб сайладилар. Уддабурон, қамтар коммунист бу юксак ишончни оқлашга шубҳа йўқ.

Янгиариқ районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози аъзолари Тўра Раҳимовни область Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар. Унинг номзоди 121-Томадуғдиқ сайлов округи бўйича рўйхатга олинди.

А. САИДОВ,
Янгиариқ районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг бригада бошлиғи.

НОМЗОДЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Яқинда Калинин районидаги Карл Маркс номли колхознинг клуби одамлар билан тавжум бўлди. Бу ерга 234-Юнусобод ва 235-Қизил Октябрь сайлов округининг сайловчилари йиғилишди.

Сайловчилар область Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинган Карл Маркс номли колхознинг илғор суғ согувчиси Басти Исмоғилова ва Тошкент область ижроия комитети раисининг ўринбосари Қудрат Аҳмедов билан учрашдилар.

Йиғилишда ишончли вакиллар Султон Ғиёсов ва Ҳафиза Хожиакбаровалар депутатликка номзодлар Қ. Аҳмедов ва Б. Исмоғиловаларнинг таржимаи ҳоли ва меҳнат фаолияти ҳақида сўзлаб беришди.

Сўнг сайловчилардан колхоз раиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Ғуломмаҳмуд Абдуллаев, колхозчилардан Қудрат Раҳимов, Хожимурод Исроилов ва бошқалар сўзга чиқдилар. Улар ўз депутатларига аҳиллик билан овоз беришларини айтиб, колхознинг Октябрь участкасини водопроводлаштириш, газлаштириш, кўчаларини асфальтлаш ва теплица комбинати қурилишини тезлаштириш ҳақида наказлар бердилар.

Ю. ЗИЕДОВ.

ШИФО ТОПАСИЗ...

